

Vazir o'rinbosarlari, departament, mustaqil boshqarma va bo'limlar boshliqlari hamda tizim tashkilotlarining (maqsadli indikatorlar mavjud bo'lgan) rahbarlari

1. Ichki audit boshqarmasi (**Ashurov**) kiritgan axborot ma'lumot va ijro uchun qabul qilinsin.

2. **Qishloq xo'jaligi vazirligining barcha tarkibiy bo'linmalari va tizim tashkilotlarining (maqsadli indikatorlar mavjud bo'lgan) rahbarlari:**

Vazirlikning 2026-yil 20-yanvardagi "O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 26-dekabrda "O'zbekiston Respublikasining "2026-yil uchun O'zbekiston Respublikasining Davlat budjeti to'g'risida" Qonuni ijrosini ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida" PQ-388-son qarori ijrosini ta'minlash to'g'risida"gi 7-son buyrug'i talablari asosida maqsadli indikatorlar ijrosi bo'yicha hisobotlar va asoslovchi hujjatlarni belgilangan muddatlarda, to'liq va ishonchli shaklda taqdim etsin;

funksiya va vazifalaridan kelib chiqib, indikator ko'rsatkichlari hisobotlarini shakllantirish uchun mas'ul xodimlarni belgilasin va ular o'rtasida vazifalarni taqsimlasin.

3. Moliya-iqtisod, budget dasturlarini shakllantirish, monitoring qilish va ularning ijrosini muvofiqlashtirish bo'limi (**Te**):

2026-yil 5-avgustga qadar O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 26-dekabrda "O'zbekiston Respublikasining "2026-yil uchun O'zbekiston Respublikasining Davlat budjeti to'g'risida"gi Qonuni ijrosini ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida" PQ-388-son qaroriga muvofiq "2026-2028-yillar uchun budget dasturlarining maqsadli indikatorlari" bo'yicha har bir indikator kesimida mas'ul ijrochilarni va choraklar kesimidagi aniq ko'rsatkichlarni belgilovchi chora-tadbirlar rejasini ishlab chiqsin hamda tasdiqlash uchun kiritсин;

budget dasturlari va ularning quyi dasturlari ijrosi jarayonida maqsadli indikator ko'rsatkichlari o'zgartirilgan mablag'larga nisbatan mutanosib ravishda belgilangan tartib asosida o'zgartirishlar kiritib borsin;

2026-yil 10-oktabrga qadar vazirlikning budget dasturlari bo'yicha hisobotlarni umumlashtirib, ularni baholash uchun Ichki audit boshqarmasiga taqdim etsin.

4. Agrar sohada to'lovlar agentligi (**Qosimov**) subsidiya mablag'larini Vazirlar Mahkamasining 2026-yil 28-apreldagi 206-son qarori talablariga amal qilgan holda o'zlashtirilmagan mablag'lar hamda ijrosi ta'minlanmagan ko'rsatkichlar bajarilishini ta'minlash maqsadida III va IV choraklar kesimida ajratilishini ta'minlasin.

5. Moliya-iqtisod, buxgalteriya hisobi va hisoboti boshqarmasi (**Pardayev**) O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2026-yil 12-maydagi PF-84-son farmoni bilan O'simliklar karantini va himoyasi agentligi hamda Veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish qo'mitasi negizida Oziq-ovqat mahsulotlari xavfsizligi qo'mitasi tashkil etilganligi sababli budget dasturlariga ajratilgan mablag'larni maqbullashtirish choralarini ko'rsin.

6. Agrar sohada to'lovlar agentligi (**Qosimov**) "Mo'g'ulistondan nasilli qo'y va echkilarni import qilishda havo transporti orqali tashish xarajatlarining bir qismini qoplab berish tartibini ishlab chiqsin hamda ijrosini ta'minlasin.

7. Ichki audit boshqarmasi (**Ashurov**) 2026-yil 20-oktabrga qadar vazirlikning maqsadli indikatorlari ijrosini III chorak yakunlari bo'yicha baholasin, yakuni yuzasidan axborotini kiritсин.

8. Nazorat va ijro intizomi bo'limi (**Zoidov**) mazkur topshiriq ijrosini Moliya-iqtisod, buxgalteriya hisobi va hisoboti boshqarmasi hamda Ichki audit boshqarmasi bilan kelishilgan holda asosiy ijrochilardan nazoratdan yechilishini ta'minlasin.

Nazorat Sh. Ergashevda.

2026-yil " 22 " iyul

№ 11/621-son



I. Abduraxmonov

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ xo'jaligi вазирлиги
DEVONKONA
KIRIM № 11/621
20 26 yil 22 - 07

Қишлоқ хўжалиги
вазир
И. Абдурахмоновга

Ички аудит бошқармаси томонидан вазирликнинг бюджет дастурлари ва мақсадли индикаторларини 2026 йил II чорак якуни ижроси Молия-иқтисод, бюджет дастурларини шакллантириш, мониторинг қилиш ва уларнинг ижросини мувофиқлаштириш бўлими тақдим этган маълумотлари асосида баҳоланди.

Ушбу кўрсаткичлар ижроси учун 2026 йилда жами 3 352,5 млрд сўм, шундан II чоракда аниқланган режага кўра, **1 178 млрд сўм** режалаштирилган, ҳисобот даврида **8 та** дастур, жумладан **38 та** қуйи дастур доирасида **1 044,6 млрд сўм (88,7 %)** ўзлаштирилган.

Бунда, **9 та** қуйи дастурлар бўйича маблағлар **100 %**, **4 та** қуйи дастурлар бўйича **90-100 %**гача, **8 та** қуйи дастурларда **10-90 %**гача ўзлаштирилган бўлса, **10 та** қуйи дастурларда маблағлар **умуман ўзлаштирилмаган**.

Маълумот учун: Аграр соҳада тўловлар агентлиги фаолиятига оид Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 28 апрелдаги 206-сонли қарор II чоракда тасдиқланганлиги сабабли 9 та қуйи дастур бўйича ажратилган 110,1 млрд сўм маблағлар сарфланмасдан қолган.

Маблағлар ўзлаштирилмаслиги омиллари.

Вакцина воситаси хариди учун шартнома тузиш муддатлари чўзилгани ва етказиб бериш муддати 90 кун этиб белгилангани;

Наслли қўй ва эчкилар импорт қилишда ташиш харажатини бир қисmini қоплаш учун харажатлар сметасида II чорак учун маблағ ажратилмагани;

1-гурух харажатлари, жумладан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаб бериш муддатлари кейинги ҳисобот даврига ўтгани;

4-гурух харажатлари, жумладан товарлар ва хизматлар харидлари жараёнидаги кечикишлар, шартномалар тузиш муддатлари чўзилиши;

Айрим кўрсаткич бўйича маълумотлар III чорак якунида шаклланиши;

Тут парвонасига қарши кураш тадбирлари 2026 йил III-IV чорақларида амалга оширилиши;

Агросаноатни ривожлантириш агентлигида устама тўлови учун режалашган маблағлар бўйича КРІ кўрсаткичлари тўлиқ бажарилмагани;

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтига бюджет маблағлари кеч молиялаштирилгани сабаб бўлган.

Вазирликнинг жами **95 та** мақсадли индикаторлари, жумладан **18 та** якуний ва **77 та** бевосита кўрсаткичлари ижроси таҳлил қилинганда қуйидагилар маълум бўлди. Жумладан:

31 та кўрсаткич **100 ва** ундан **ортиқ фoиз** билан бажарилган;

5 та кўрсаткич **80-100 фoиз** оралигида таъминланган;

22 та кўрсаткич кейинги чорақларда бажарилиши кўзда тутилган;

37 та кўрсаткич **умуман таъминланмаган**.

Маълумот учун: Аграр соҳада тўловлар агентлигига субсидия маблағлари олиши учун 37 та кўрсаткич (лазерли текислаш, қуёш панелларини ўрнатиш, кредит фоиз харажатлари бир қисmini қоплаш, кўчма генератор ускуналари харид қилиши) ижроси бўйича талабгорлардан ариза келиб тушмаган.

Якуний ва бевосита кўрсаткичларни белгиланган муддатларда ижросини таъминланмаслиги сабаблари.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026-йил 12-майдаги ПФ-84-сонли фармони билан Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси негизда Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси ташкил этилгани;

- Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 28 апрелдаги 206-сон қарорига кўра, талабгорлар субсидия олиши учун “Агроплатформа” АТ орқали электрон ариза юбориши ва ушбу аризаларни ишчи органлари кўриб чиқиши белгиланган, ҳисобот даврида тизим орқали ариза юбориш, уларни кўриб чиқиш ҳамда бошқа давлат дастурлари ахборот тизимлари билан интеграция қилиш тўлиқ якунланмагани;

- Мўғулистондан насли кўй ва эчкилар импорт қилишда ҳаво транспорти орқали ташиш харажатлари бир қисmini қоплаб бериш тартиби мавжуд эмаслиги;

Маълумот учун: Аграр соҳада тўловлар агентлигига Мўғулистондан насли кўй ва эчкилар импорт қилишда ҳаво транспорти орқали ташиш харажатлари бир қисmini қоплаб бериш мақсадида 80,0 млрд сўм маблағ кўзда тутилган.

- Ходимлар қўнимсизлиги оқибатида иш жараёнларидаги узилишлар сабабли “Вакцина қилинадиган чорва ҳайвонлари сони” кўрсаткичи ижроси таъминланмаслигига сабаб бўлган.

Бюджет дастурлари ишлаб чиқилишидаги мавжуд муаммолар:

Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказига харажатлар сметасига картошканинг “in-vitro” ўсимликлари ва микротуганакларидан 10 млн дона етиштириш харажати қўйи дастури бўйича жорий йил январь ойида 19,8 млрд сўм ажратилган бўлсада, I ярим йилликда давомида умуман ўзлаштирилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги ПҚ-388-сон қарорига мувофиқ, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасига 80 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган. Бироқ ушбу маблағлар Аграр соҳада тўловлар агентлигининг харажатлар сметасига режалаштирилган. Ижроси бўйича ваколатлар (Агентликка ўтказилмасдан) Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасида қолиб кетган, маблағ ва ижро ваколоти бошқа идораларда бўлиб қолганлиги сабабли ҳисобот даврида субсидия ажратилиши таъминланмаган.

Таклифлар:

1. Дастурлар доирасида субсидия маблағларини режалаштиришда ягона методик ёндашув жорий этиш, бунда субсидия ҳажмини аниқлашда ҳисоб-китоблар ягона тартиб ва белгиланган кўрсаткичлар асосида амалга ошириш.

2. Масъул ижрочилар томонидан мақсадли индикаторлар ҳисоботларини ва асословчи ҳужжатларни Молия-иқтисод, бюджет дастурларини шакллантириш, мониторинг қилиш ва уларнинг ижросини мувофиқлаштириш бўлимига ўз муддатида ва сифатли, ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилгани ҳолда тақдим этиш.

3. Юқоридаги бюджет дастурлари учун ажратилган маблағлар ўзлаштирилмасдан қолаётганлиги ҳамда келгусида бюджет дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида Аграр соҳада тўловлар агентлиги томонидан ажратилаётган субсидиялар тўғрисида маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш;

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 28 апрелдаги 206-сон қарорига кўра талабгорлар томонидан субсидия олиши учун “Агроплатформа” АТ орқали электрон ариза юбориши ва ушбу аризаларни ишчи органлари кўриб чиқиши, ҳамда бошқа давлат дастурлари ахборот тизимлари билан интеграция қилиш ишларини тўлиқ якунлаш;

5. Мўғулистондан насли қўй ва эчкилар импорт қилишда ҳаво транспорти орқали ташиш харажатлари бир қисмини қоплаб бериш учун кўзда тутилган субсидия маблағларини ажратиш бўйича тартиб ишлаб чиқиш;

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 12 майдаги ПФ-84-сон фармони билан Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси негизида Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги кўмитаси ташкил этилганлиги сабабли бюджет дастурларига тегишли ўзгартиришлар киритиш.

Баҳолаш маълумотномаси илова қилинади.

Илова 34 варақда.

Ички аудит
бошқармаси бошлиги



Ф. Ашуров

20.07.2026й.

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг
ривожлантириш дастурлари ва мақсадли индикаторларининг 2026 йил
1-ярим йиллик якунлари ижроси юзасидан Ички аудит бошқармасининг
баҳолаш натижалари бўйича**

МАЪЛУМОТНОМА

2026 йил 20 июл

Қибрай тумани

Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 25 декабрдаги “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-388-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикасида дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этишда бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет дастурларини ишлаб чиқиш, мониторингини юритиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 4-сон Қарори бўйича Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2026 йил I ярим йилликда бюджет маблағларидан фойдаланиши билан боғлиқ мақсадли индикаторлари ижроси баҳоланди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2026 йил 20 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-388-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 7-сон буйруғи билан мақсадли индикаторлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тузишга ва белгилаб берилган кўрсаткичларни бажаришга масъуллар белгиланган.

Шунингдек, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2026 йил 13 январдаги “Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг бюджет дастурларини мақсадли индикаторлари дастур ва кўрсаткичларининг ижроси баҳолашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон буйруғи билан бюджет дастурлари ижросини баҳоловчи Ички аудит бошқармаси ходимлари рўйхати ҳамда баҳолаш дастури (тартиби) тасдиқланган.

Баҳолаш ишлари Қишлоқ хўжалиги вазирининг тегишли буйруғи билан бириктирилган масъул ижрочилар томонидан чорақлар кесимида шакллантирилиб, белгиланган тартибда тасдиқланган ҳамда Молия-иқтисод ва бюджетлаштириш бўлими орқали Ички аудит бошқармасига тақдим этилган маълумотлар асосида амалга оширилди. Шу билан бирга, тақдим

этилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончилиги учун масъул ижрочилар жавобгар ҳисобланади.

Ўтказилган баҳолаш натижасида қуйидагилар маълум бўлди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги ПҚ-388-сон қарори 6-илоvasи “Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг 2026–2028 йиллар учун бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторлари” 47-бандида Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 8 йўналишдаги синов бюджет дастурларининг 95 та мақсадли индикатор кўрсаткичлари учун Қишлоқ хўжалиги вазирлигига 2026 молия йилида 3 352,5 млрд сўм маблағлар ажратилиши кўзда тутилган. Жумладан,

1. Маъмурий бошқарув бюджет дастури бўйича.

Ушбу дастур учун жорий йилда 30,3 млрд сўм ажратилиши режалаштирилган, шундан I ярим йиллик учун аниқланган режага кўра 17,8 млрд сўм маблағлардан 17,3 млрд сўм ёки 96 фоизи ўзлаштирилган.

Бунда, асосан Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг I, II ва IV гуруҳ харажатлари, “Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа офисини сақлаш харажатлари, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасига аъзолик бадали ва бошқа шу каби харажатлар режаси учун белгиланган маблағларнинг ўзлаштирилмаганлиги сабаб бўлган.

Якуний натижа кўрсаткичи бўйича:

бошокли доннинг ўртача ҳосилдорлиги (суғориладиган майдонларда) кўрсаткичини йиллик режада 75 ц/га етказиш белгиланган. Ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар III чорак якунида шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш йил якунида амалга оширилади;

пахта хомашёсининг ўртача ҳосилдорлиги кўрсаткичини йиллик режада 42 ц/га етказиш белгиланган. Бунда, пахта хомашёси йиғим мавсуми йилнинг III-IV чоракларга тўғри келишини инобатга олган ҳолда, ўртача ҳосилдорлик кўрсаткичи йилнинг ноябрь-декабрь ойларида шаклланади. Шу сабабли ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар йил якунида шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш келгуси молия йилининг I чорагида амалга оширилади;

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

тизим ташкилотларида ўтказиладиган режали ички аудит тадбирлари ҳамда режадан ташқари ўрганишлар сонини йиллик режада 35 тага етказиш белгиланган, шундан I ярим йилликда 17 та ички аудит тадбири ўтказилиши белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 94 тага ёки 553 фоизга бажарилган. Бунда, 29 та ички аудит тадбири йиллик режага кўра ва 65 таси эса режадан ташқари ўтказилган ва тегишли маълумотлар

расмийлаштирилган ҳолда Ҳисоб палатасининг “Давлат аудити” дастурий комплекси тизимига киритилган;

вазирлик фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, расмий веб-сайтга чиқарилган маълумотлар сонини йиллик режада 450 тага етказиш белгиланган, шундан I ярим йилликда 230 тага маълумотлар чиқариш белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 315 тага ёки 137 фоизга бажарилган;

Ушбу 315 та чиқарилган маълумотлар вазирликнинг расмий вебсайти “<https://gov.uz/oz/agro>”, “Telegram”, “Insragram”, “Facebook” ва “YouToube” ижтимоий тармоқлардаги каналларида чиқарилган.

пахтада тезпишар ҳамда серҳосил навларни танлаш ва жойлаштириш кўрсаткичини йиллик режада 5 тага белгиланган шундан I ярим йилликда 5 та пахта навини танлаш ва жойлаштириш белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 8 тага ёки 160 фоизга бажарилган (*жадвал илова қилинади*);

ғаллада тезпишар ҳамда серҳосил навларни танлаш ва жойлаштириш кўрсаткичини йиллик режада 8 тага етказиш белгиланган. Бунда, ғалла экиш мавсуми йилнинг III-IV чоракларга тўғри келишини инобатга олган ҳолда, ғаллани тезпишар ҳамда серҳосил навларни танлаш ва жойлаштириш маълумотлари йилнинг август-сентябрь ойларида шаклланади. Шу сабабли, ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар III чорак якунида шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш йил якунида амалга оширилади.

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бюджет дастури бўйича.

Ушбу дастур учун жорий йилда 126,3 млрд сўм ажратилиши режалаштирилган, шундан I ярим йиллик учун аниқланган режага кўра 77,4 млрд сўм маблағлардан 57,4 млрд сўми ёки 74 фоизи ўзлаштирилган.

I. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва ривожлантиришни бошқариш қўйи дастури бўйича жорий йилда 13,5 млрд сўм ажратилиши режалаштирилган, шундан I ярим йиллик учун аниқланган режага кўра 7,8 млрд сўм маблағлардан 7,6 млрд сўми ёки 97 фоизи ўзлаштирилган.

Бунда, асосан вазирликнинг “Асосий экинлар деҳқончилиги ва агротехнологияларни ривожлантириш департаменти” ҳамда “Агросаноатни ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлиги департаменти” ходимларининг I, II ва IV гуруҳ харажатлари учун ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилмаганлиги сабаб бўлган.

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

янги агрологистика марказлари фаолиятини йўлга қўйиш кўрсаткичи бўйича йиллик режада 8 тага етказиш белгиланган. Ушбу кўрсаткич бўйича

маълумотлар III чорак якунида шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш йил якунида амалга оширилади.

II. Қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш ва қайта баҳолаш, тупроқ бонитировкаси ва тупроқ хариталарининг коррективировкасини ўтказиш, суғориладиган ерларда тупроқ агрокимёвий тадқиқот ишларини бажариш ва агрокимёвий картограммалар тузиш, тупроқ (ер) мониторингини ўтказиш, яйлов ерларини хатловдан ўтказиш ва майдонларнинг электрон хариталарини ишлаб чиқиш харажатлари қуйи дастури бўйича жорий йилда 93,0 млрд сўм (*“Ўздаверлойдеха” ДИЛИ-59,2 млрд сўм, Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти-33,8 млрд сўм*) ажратилиши режалаштирилган, шундан I ярим йиллик учун режалаштирилган 49,9 млрд сўм маблағлар 100 фоизга ўзлаштирилган.

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

Қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш (ердан фойдаланувчилар) кўрсаткичини йиллик режада 109 719 тага етказиш белгиланган. Ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар йил якунида шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш келгуси молия йилининг I чорагида амалга оширилади;

деҳқон хўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш (ердан фойдаланувчилар) кўрсаткичини йиллик режада 838 286 тага етказиш белгиланган. Ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар йил якунида шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш келгуси молия йилининг I чорагида амалга оширилади;

яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотлар ўтказиш ва яйловларни хатловдан ўтказиш ишлари кўрсаткичини йиллик режада 4,2 млн гектарга етказиш белгиланган. Ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар йил якунида шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш келгуси молия йилининг I чорагида амалга оширилади;

табiiй яйловларни мониторинг қилиш (пункт) кўрсаткичини йиллик режада 869 тага етказиш белгиланган. Ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар йил якунида шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш келгуси молия йилининг I чорагида амалга оширилади;

Изоҳ: “Ўздаверлойдеха” ДИЛИ 2026 йил 7 июлдаги 41-01/3-2102-сон хати билан юқоридаги кўрсаткичлар бўйича “ҳозирги кунда тайёргарлик ишлари тўлиқ якунланганлиги, дала кузатув ишлари олиб борилаётганлиги, лойиҳа-қидирув ишлари босқичма-босқич олиб борилиб йил якунига қадар якунланиши”ни маълум қилган.

суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларини тупроқ хариталарини тузиш ва тупроқ сифатини баҳолаш кўрсаткичини йиллик режада 690,3 минг гектарга етказиш белгиланган. Ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар йил якунида

шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш келгуси молия йилининг I чорагида амалга оширилади;

суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларида тупроқ агрокимёвий тадқиқотлар ўтказиш ва агрокимёвий картограммалар тузиш кўрсаткичини йиллик режада 966,6 минг гектарга етказиш белгиланган. Ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар йил якунида шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш келгуси молия йилининг I чорагида амалга оширилади;

суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг шўрланган тупроқларини харитага тушириш кўрсаткичини йиллик режада 509,2 минг гектарга етказиш белгиланган. Ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар йил якунида шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш келгуси молия йилининг I чорагида амалга оширилади;

қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларини мониторинг мақсадларида тадқиқ этиш учун экологик майдончаларда тупроқ тадқиқотларини бажариш (СЕМлар сони) кўрсаткичини йиллик режада 46 тага етказиш белгиланган. Ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар йил якунида шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш келгуси молия йилининг I чорагида амалга оширилади.

***Изоҳ:** Тупроқиунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти 2026 йил 13 июлдаги 02-04-671-сон хати билан (юқоридаги кўрсаткичларни) “ушбу ишларни бажариш 4 босқичдан иборатлиги, якуний натижа кўрсаткичи барча босқичлар бажарилгандан сўнг кўриниши”ни маълум қилган.*

III. Картошканинг “in-vitro” ўсимликлари ва микротуганакларидан 10,0 миллион дона мини-туганакларни етиштириш харажатлари қуйи дастури бўйича жорий йилда 19,8 млрд сўм ажратилиши режалаштирилган, шундан I ярим йиллик учун режалаштирилган 19,8 млрд сўм маблағлар ўзлаштирилмаган.

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

Мини-туганакларни етиштириш кўрсаткичини йиллик режада 10 млн донга етказиш белгиланган, шундан I чоракни ўзида 10 млн дона мини туганакларни етиштириш белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси таъминланмаган.

***Изоҳ:** Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар маркази Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими бошлиғи-бош ҳисобчи Р.Раббимов томонидан тақдим этилган маълумотига кўра, “2026 йил 04 майда 26110012484085, 26110012484088, 26110012484089, 26110012484090, 26110012484092-сонли 5 та лотлар билан тендерга эълонлар жойлаштирилган. Шу лотлар 2026 йил 21 майда эълон муддати тугаб талабгорлардан таклифлар тушмаганлиги сабабли савдо амалга ошмаганлигини, 2026 йил 02 июнда 5 лотлар такрор тендерга жойлаштирилган. 3 та лот талабгорлар ўз таклифини жойлаштириб савдо*

амалга оширилган, 2 лотга талабгорлардан таклифлар тушмаганлиги сабабли савдо амалга ошмаганлиги, шундан келиб чиқиб маблағлар молиялаштирилмаганлигини ва мақсадли индикаторлар ижроси таъминланмаганлигини маълум қилган.

3. Қишлоқ хўжалигида илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш дастури бўйича.

Бюджет дастурларининг 8 та мақсадли индикатор кўрсаткичлари учун Қишлоқ хўжалиги вазирлигига 2026 молия йилида 516,3 млрд сўм маблағлар ажратилиши кўзда тутилган. Шундан, 2026 йил I ярим йиллик учун аниқланган режага кўра 282,9 млрд сўм режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида 240,0 млрд сўми ёки 84,8 фоизи ўзлаштирилган.

I. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш ва инновацияларни жорий этиш қўйи дастури кўрсаткичига 2026 йил учун 7,1 млрд сўм ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, 2026 йил I ярим йиллик учун аниқланган режага кўра 2,7 млрд сўм режалаштирилган, ҳисобот даврида 2,6 млрд сўми ёки 97,4 фоизи (йиллик режага нисбатан 37,1 фоизи) ўзлаштирилган.

Маблағларнинг тўлиқ ўзлаштирилмаганлигига сабаб, 1-гурух харажатлари, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун режалаштирилган маблағлар тўлиқ сарфланмаганлиги билан изоҳланди. Жумладан, айрим штат birlikлари бўйича бўш ўринлар мавжудлиги, ходимларнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги, меҳнат таътиллари ҳамда ишга қабул жараёнларининг кечикиши натижасида иш ҳақи фонди тўлиқ ўзлаштирилмаган. Шунингдек, айрим ҳолатларда тўловларни амалга ошириш муддатларининг кейинги даврга кўчирилиши ҳам маблағлар ўзлаштирилишининг камайишига таъсир кўрсатган.

II. Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш қўйи дастури кўрсаткичига 2026 йил учун 16,8 млрд сўм ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, 2026 йил I ярим йиллик учун аниқланган режага кўра 8,2 млрд сўм режалаштирилган, ҳисобот даврида мазкур маблағларнинг 6,4 млрд сўми ёки 77,9 фоизи (йиллик режага нисбатан 38,0 фоизи) ўзлаштирилган.

Маблағларнинг тўлиқ ўзлаштирилмаганлигига сабаб, Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказининг 1-гурух харажатлари иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун режалаштирилган маблағлар тўлиқ сарфланмаганлиги билан изоҳланади. Жумладан, айрим штат birlikлари бўйича бўш ўринлар мавжудлиги, ходимларнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги, меҳнат таътиллари ҳамда ишга қабул жараёнларининг кечикиши натижасида иш ҳақи фонди тўлиқ ўзлаштирилмаган. Шунингдек, айрим ҳолатларда тўловларни амалга ошириш муддатларининг кейинги даврга кўчирилиши ҳам маблағлар ўзлаштирилишининг камайишига таъсир кўрсатган.

Бундан ташқари, 4-гурӯх харажатлари (товарлар ва хизматлар харидлари) бўйича ҳам режалаштирилган ишлар тўлиқ амалга оширилмаган. Хусусан, айрим харид жараёнларининг кечикиши, шартномаларни тузиш ва келишиш муддатларининг чўзилиши, шунингдек, амалга оширилиши режалаштирилган айрим хизматлар ва ишлар ижросининг пастлиги натижасида мазкур харажатлар тўлиқ ўзлаштирилмаган.

Якуний натижа кўрсаткичи бўйича:

Фермер хўжаликларида жорий қилинган ва фаол фойдаланадиган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навларини улуши кўрсаткичлари IV чоракда (йил якуни билан) аниқланади.

Синов ва экспертиза ўтказиладиган қишлоқ хўжалик экинларининг янги навлари сони кўрсаткичини йиллик режада 117 та етказиш белгиланган бўлиб, 2026 йил I ярим йиллик учун аниқланган режага кўра 91 тани ташкил қилади. Ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 101 тага ёки 111 фоизга (йиллик режага нисбатан 86,3 фоизга) бажарилган.

Патентга лаёқатлилиқ синовидан ўтадиган янги экин навлари сонини йиллик режада 149 тага етказиш белгиланган бўлиб, 2026 йил I-ярим йиллик учун аниқланган режага кўра 109 тани ташкил қилади. Ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 110 тага ёки 101 фоизга (йиллик режага нисбатан 73,8 фоизга) бажарилган.

III. Агросаноат соҳасидаги илмий ва таълим муассасаларини такомиллаштириш куйи дастури кўрсаткичига 2026 йил учун 492,4 млрд сўм ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, 2026 йил I ярим йиллик учун аниқланган режага кўра 272,0 млрд сўм режалаштирилган, ҳисобот даврида мазкур маблағларнинг 231,0 млрд сўми ёки 84,9 фоизи (йиллик режага нисбатан 46,9 фоиз) ўзлаштирилган.

Маблағларнинг тўлиқ ўзлаштирилмаганлигига сабаб, Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказининг I-гурӯх харажатлари иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун режалаштирилган маблағлар тўлиқ сарфланмаганлиги билан изоҳланади. Жумладан, айрим штат бирликлари бўйича бўш ўринлар мавжудлиги, ходимларнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги, меҳнат таътиллари ҳамда ишга қабул жараёнларининг кечикиши натижасида иш ҳақи фонди тўлиқ ўзлаштирилмаган. Шунингдек, айрим ҳолатларда тўловларни амалга ошириш муддатларининг кейинги даврга кўчирилиши ҳам маблағлар ўзлаштирилишининг камайишига таъсир кўрсатган.

Бундан ташқари, 4-гурӯх харажатлари (товарлар ва хизматлар харидлари) бўйича ҳам режалаштирилган ишлар тўлиқ амалга оширилмаган. Хусусан, айрим харид жараёнларининг кечикиши, шартномаларни тузиш ва келишиш муддатларининг чўзилиши, шунингдек, амалга оширилиши режалаштирилган

айрим хизматлар ва ишлар ижросининг пастлиги натижасида мазкур харажатлар тўлиқ ўзлаштирилмаган.

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

Академик лицейларда ўқувчилар сонини йиллик режада 1 186 нафарга етказиш белгиланган, 2026 йил I ярим йиллик учун аниқланган режага кўра 1 120 нафарга етказиш лозим бўлиб, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 1 156 нафарга ёки 103,2 (йиллик режага нисбатан 97,4) фоизга бажарилган. Шу жумладан, қиз болалар сони йиллик режада 794 нафар, 2026 йил I-ярим йиллик учун аниқланган режага кўра 529 нафарга етказиш белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 529 нафарга ёки 100 фоиз (йиллик режага нисбатан 66,6 фоиз) бажарилган.

Агросаноат йўналишидаги олий ўқув юртларида талабалар сонини йиллик режада 40 763 нафарга етказиш белгиланган, 2026 йил I ярим йиллик учун аниқланган режага кўра 35 988 нафарга етказиш лозим бўлиб, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 36 214 нафарга ёки 100,6 фоиз (йиллик режага нисбатан 88,8 фоиз)га бажарилган. Шу жумладан аёл талабалар сони 16 694 нафарни 2026 йил I-ярим йиллик учун аниқланган режага кўра 12 303 нафарга етказиш белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 13 673 нафарга ёки 111,1 фоиз (йиллик режага нисбатан 81,9 фоиз)га бажарилган.

Агросаноат йўналиши бўйича малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини тамомлаган профессор ва университет ўқитувчиларининг тахминий сонини йиллик режада 838 нафарга, 2026 йил I ярим йиллик учун белгиланган режага кўра 194 нафарга етказиш белгиланган.

Ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 194 нафарга ёки 100 фоиз (йиллик режага нисбатан 23,1 фоиз)га бажарилган бўлиб, шундан аёллар сонини йиллик режада 296 нафар, 2026 йил I ярим йиллик учун аниқланган режага кўра 78 нафарга етказилиши лозим бўлиб, амалда мазкур кўрсаткич 78 нафарга етказилган ёки 100 фоиз (йиллик режага нисбатан 26,3 фоиз)га бажарилган.

Халқаро ва етакчи хорижий илмий-тадқиқот марказлари билан амалга оширилаётган ҳамкорлик дастурларининг сонини йиллик режада 40 тага, 2026 йил I ярим йиллик учун белгиланган режага кўра 12 тага етказиш белгиланган, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 12 тага ёки 100 фоизга (йиллик режага нисбатан 30 фоизга) бажарилган.

Илмий салоҳият-тадқиқотчиларнинг умумий сонига нисбатан илмий даража ва унвонга эга бўлган тадқиқотчилар улуши кўрсаткичини йиллик режада 56 фоизга етказиш белгиланган, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 55,2 фоизга ёки 98,6 фоиз (йиллик режага нисбатан 98,6 фоиз)га бажарилган.

4. Қишлоқ хўжалиги соҳасини рақамлаштириш бюджет дастури бўйича.

Ушбу дастур учун 2026 йилда 84,2 млрд сўм ажратилиши режалаштирилган, шундан I ярим йиллик учун аниқланган режа 44,9 млрд сўм маблағлардан 43,9 млрд сўм ёки 98 фоизга ўзлаштирилган.

I. Аграр соҳани рақамлаштириш куйи дастури бўйича 2026 йилда 4,9 млрд сўм ажратилиши режалаштирилган, шундан I ярим йиллик учун режалаштирилган 2,7 млрд сўм маблағлардан 2,6 млрд сўми ёки 97 фоизи ўзлаштирилган.

II. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни хатловдан ўтказиш учун харажатлар куйи дастури бўйича 2026 йилда 31,0 млрд сўм ажратилиши режалаштирилган, шундан I ярим йиллик учун режалаштирилган 16,6 млрд сўм маблағнинг 100 фоизи ўзлаштирилган.

Якуний натижа кўрсаткичи бўйича:

хатловдан ўтказиладиган ерлар улуши (жами ерга нисбатан) кўрсаткичини йиллик режада 35,3 фоизга етказиш белгиланган. Ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар III - чоракда шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш IV чоракда амалга оширилади.

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган (суғориладиган) ерларни хатловдан ўтказиш кўрсаткичини йиллик режада 1,2 млн гектарга етказиш белгиланган. Ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар йил якунида шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш келгуси молия йилининг I чорагида амалга оширилади;

Маълумот учун: "O'zdavyerloyiha" ДИЛИ 2026 йил 7 июлдаги 41-01/3-2102-сон хати билан юқоридаги кўрсаткичлар бўйича "Ҳозирги кунда дала кузатув ишлари амалга оширилиб, камерал ишлар бажарилмоқдалиги, лойиҳа-қидирув ишлари босқичма-босқич олиб борилиб, IV чорак якунида буюртмачига топширилишини"ни маълум қилган.

III. Қишлоқ хўжалиги билан шугулланувчи туманларнинг 2025 – 2030 йилларга мўлжалланган ва лойиҳалаштиришдан олдин амалга ошириладиган ер тузиш чизмаларини ишлаб чиқиш харажатлари куйи дастури бўйича жорий йилда 40,0 млрд сўм ажратилиши режалаштирилган, шундан I ярим йиллик учун режалаштирилган 21,5 млрд сўм маблағлар 100 фоиз ўзлаштирилган.

Якуний натижа кўрсаткичи бўйича:

Ер майдонларида ер тузиш чизмалари улуши (жами ерга нисбатан) кўрсаткичини йиллик режада 29,3 фоизга етказиш белгиланган. Ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар III - чоракда шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш IV - чоракда амалга оширилади.

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

Қишлоқ хўжалиги ер майдонларида ер тузиш чизмаларини ишлаб чиқиш кўрсаткичини йиллик режада 3,6 млн гектарга етказиш белгиланган. Ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар йил якунида шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш келгуси молия йилининг I чорагида амалга оширилади.

Маълумот учун: “O‘zdavyerloyiha” ДИЛИ 2026 йил 7 июлдаги 41-01/3-2102-сон хати билан юқоридаги кўрсаткичлар бўйича “Ҳозирги кунда дала кузатув ишлари амалга оширилиб, камерал ишлар бажарилмоқдалиги, лойиҳа-қидирув ишлари босқичма босқич олиб борилиб, IV чорак якунида буюртмачига топширилишини”ни маълум қилган.

IV. Агросубсидия платформаси харажатлари қуйи дастури бўйича жорий йилда 2,0 млрд сўм ажратилиши режалаштирилган, шундан I ярим йиллик учун режалаштирилган 1,0 млрд сўм маблағлардан 0,8 млрд сўм ёки 80 фоизга ўзлаштирилган.

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

Қишлоқ хўжалиги соҳасида тақдим этиладиган субсидия турларидан “Агросубсидия” ахборот тизимида тақдим этиладиган аризалар сони кўрсаткичини йиллик режада 70,1 мингтага етказиш белгиланган, шундан I ярим йилликда 35,1 минг та аризалар келиб тушиши белгиланиб, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 73,3 мингтага ёки 209 фоизга бажарилган.

V. “Hosil-qabuli”, “AgroDocs” ва “AgroTarozi” ахборот тизимларини техник қўллаб-қувватлаш қуйи дастури бўйича жорий йилда 6,3 млрд сўм ажратилиши режалаштирилган, шундан I ярим йиллик учун режалаштирилган 3,1 млрд сўм маблағлардан 2,4 млрд сўм ёки 76 фоизга ўзлаштирилган.

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

“Hosil-qabuli”, “AgroDocs” ва “AgroTarozi” ахборот тизимларига келиб тушадиган аризаларни кўриб чиқиш кўрсаткичини йиллик режада 120,0 минг тага етказиш белгиланган, шундан I ярим йилликда 60,0 мингта аризаларни кўриб чиқиш белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 882,5 мингтага ёки 1 471 фоизга бажарилган.

5. Аграр соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бюджет дастури бўйича.

2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий қилиш учун субсидиялар ажратиш қуйи дастури бўйича жами 250,0 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган бўлиб, вазирлик чора тадбирлар режаси бўйича ушбу маблағларнинг 2026 йил II чоракда 42,5 млрд сўм ўзлаштирилиши белгиланган.

Қарор билан мазкур ажратилган маблағлар доирасида 2026 йил давомида қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи, сув тежовчи технологиялар жорий қилинадиган майдонни 22,2 минг гектарга етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда 3,8 минг гектарга етказиш);

якуний натижа кўрсаткичи, иқтисод қилинадиган сув миқдорини 34,5 млн куб метрга етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда 5,9 млн куб метрга етказиш).

Такдим этилган маълумотларга кўра, ушбу қуйи дастур бўйича 2026 йил II чоракда аниқланган режа **21,9 млрд сўмни** ташкил этган бўлиб, амалда ҳам **21,9 млрд сўм** маблағ ўзлаштирилган.

Ушбу қуйи дастур ижроси такдим этилган маълумотлар ва ҳисоботлар асосида ўрганилганда қуйидагилар маълум бўлди:

Жумладан, ушбу қуйи дастур бўйича ҳақиқий ижро 2026 йил II чоракда аниқланган режага нисбатан 99,6 фоизни, вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда белгиланган режага нисбатан 51,4 фоизни (фарқи **20,6 млрд сўм**, яъни 48,5 фоизга кам), 2026 йил учун аниқланган йиллик режанинг 8,7 фоизини (фарқи **228,1 млрд сўмни**) ташкил этади.

Шунингдек, якуний натижа кўрсаткичи (иқтисод қилинадиган сув миқдори) бўйича ҳақиқий ижро 2026 йил II чоракда аниқланган режага нисбатан 100 фоизни, вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда белгиланган режага нисбатан 59 фоизни (фарқи **2,4 млн куб метр**, яъни 41 фоизга кам), 2026 йил учун аниқланган йиллик режанинг 10,1 фоизини (фарқи **31,0 млн куб метрни**) ташкил этади.

Бундан ташқари, бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи (сув тежовчи технологиялар жорий қилинадиган майдон) бўйича ҳақиқий ижро 2026 йил II чоракда аниқланган режага нисбатан 100,0 фоизни, вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда белгиланган режага нисбатан 57,3 фоизни (фарқи **1,6 минг гектар**, яъни 42,7 фоизга кам), 2026 йил учун аниқланган йиллик режанинг 9,8 фоизини (фарқи **20,0 минг гектарни**) ташкил этади.

II. Бошоқли дон экин майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ва кўчма генераторлар каби ускуналар ҳамда картошка етиштиришда экин майдонларини суғоришда қуёш панеллари ўрнатиш харажатларининг бир қисmini қоплаб бериш учун субсидиялар ажратиш қуйи дастури бўйича:

2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, Бошоқли дон экин майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ва

кўчма генераторлар каби ускуналар ҳамда картошка етиштиришда экин майдонларини суғоришда қуёш панеллари ўрнатиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш учун субсидиялар ажратиш қўйи дастури бўйича жами 10,0 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган бўлиб, вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича ушбу маблағларнинг 2026 йил II чорақда 2,0 млрд сўм ўзлаштирилиши белгиланган.

Қарор билан мазкур ажратилган маблағлар доирасида 2026 йил давомида қўйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи, ўрнатиладиган қайта тикланувчи энергия манбалари умумий қувватини **25,0 минг кВт/с га** етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чорақда **3,7 минг кВт/с га** етказиш);

фермер хўжаликлари томонидан муқобил энергия манбалари қўлланиладиган майдонни **1 000 гектарга** етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чорақда **170 гектарга** етказиш);

экинларни суғоришда қуёш панеллари ўрнатадиган фермер хўжаликлари сонини **100 донага** етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чорақда **17 донага** етказиш);

якуний натижа кўрсаткичи, фермер хўжаликлари томонидан муқобил энергиядан фойдаланиш ҳисобига тежаладиган электр энергия миқдорини **1 500 минг кВт/с га** етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чорақда тежаладиган электр энергияси ўрнига техник хатолик билан **255,0 млн куб метр** деб белгиланган).

Тақдим этилган маълумотларга кўра, ушбу қўйи дастур бўйича 2026 йил II чорақда бошқоқли дон экин майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ва кўчма генераторлар каби ускуналар ҳамда картошка етиштиришда экин майдонларини суғоришда қуёш панеллари ўрнатиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш учун субсидиялар ажратиш бўйича аризалар келиб тушмаганлиги сабабли субсидия маблағлари ажратилмаган, натижада мақсадли индикатор кўрсаткичлари ижроси таъминланмаган.

III. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг насос агрегатлари истеъмол қиладиган электр энергияси харажатини қоплаш учун субсидиялар қўйи дастури бўйича:

2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг насос агрегатлари истеъмол қиладиган электр энергияси харажатини қоплаш учун субсидиялар ажратиш қўйи дастури

бўйича жами **300,0** млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган бўлиб, вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича ушбу маблағларнинг 2026 йил II чоракда **135,0** млрд сўми ўзлаштирилиши белгиланган.

Қарор билан мазкур ажратилган маблағлар доирасида 2026 йил давомида қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи, субсидия ҳисобидан қоплаб бериладиган электр энергияси миқдори **300,0** млн кВт га етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда **135,0** млн кВт га етказиш);

субсидия ажратиладиган хўжалик юритувчи субъектлар сонини **10,0** минг нафарга етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда **4,5** минг нафарга етказиш);

якуний натижа кўрсаткичи, насос агрегатлари орқали кафолатли сув билан таъминланадиган пахта ва бошоқли дон етиштирувчи хўжаликларнинг ер майдонларини **710,0** минг гектарга етказиш.

Такдим этилган маълумотларга кўра, ушбу қуйи дастур бўйича 2026 йил II чоракда аниқланган режа **57,6** млрд сўмни ташкил этган бўлиб, амалда **57,5** млрд сўм маблағ ўзлаштирилган.

Ушбу қуйи дастур ижроси такдим этилган маълумотлар ва ҳисоботлар асосида ўрганилганда қуйидагилар маълум бўлди:

Жумладан, қуйи дастур бўйича ҳақиқий ижро 2026 йил II чоракда аниқланган режага нисбатан **99,8** фоизни, вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда белгиланган режага нисбатан **42,6** фоизни (фарқи **77,5** млрд сўм, яъни **57,4** фоизга кам), 2026 йил учун аниқланган йиллик режанинг эса **19,2** фоизини (фарқи **242,5** млрд сўмни) ташкил этади.

Шунингдек, **якуний натижа кўрсаткичи** (насос агрегатлари орқали кафолатли сув билан таъминланадиган ер майдонлари) бўйича ҳақиқий ижро 2026 йил II чоракда аниқланган режага нисбатан **100** фоизни, 2026 йил учун аниқланган йиллик режанинг эса **48,7** фоизини (фарқи **364,0** минг гектарни) ташкил этади.

Бундан ташқари, **бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи** (субсидия ҳисобидан қоплаб бериладиган электр энергияси миқдори) бўйича **ҳақиқий ижро** 2026 йил II чоракда аниқланган режага нисбатан **100** фоизни, вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда белгиланган режага нисбатан **42,6** фоизни (фарқи **77,5** млн кВт, яъни **57,4** фоизга кам), 2026 йил учун аниқланган йиллик режанинг эса **19,2** фоизини (фарқи **242,5** млн кВт ни) ташкил этади.

Субсидия ажратиладиган хўжалик юритувчи субъектлар сони бўйича ҳақиқий ижро 2026 йил II чорақда аниқланган режага нисбатан **100 фоизни** (7,4 минг нафар), вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чорақда белгиланган режага нисбатан **164,4 фоизни** (фарқи **2,9 минг нафарга кўп**), 2026 йил учун аниқланган йиллик режанинг эса **74,0 фоизини** (фарқи **2,6 минг нафарни**) ташкил этади.

IV. Қорақалпоғистон Республикасида пахта, бошоқли дон ҳамда шולי етиштирувчи ва Хоразм вилоятида шולי етиштирувчи субъектларга лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегатлар билан ер текислаш харажатлари учун шунингдек, Хоразм вилоятида шולי экиш сеялкалари ва кўчатлаб экиш ускунаси учун субсидиялар қуйи дастури бўйича:

2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикасида пахта, бошоқли дон ҳамда шולי етиштирувчи ва Хоразм вилоятида шולי етиштирувчи субъектларга лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегатлар билан ер текислаш харажатлари учун шунингдек, Хоразм вилоятида шולי экиш сеялкалари ва кўчатлаб экиш ускунаси учун субсидиялар ажратиш қуйи дастури бўйича жами **14,2 млрд сўм** маблағ ажратилиши белгиланган бўлиб, вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича ушбу маблағларнинг 2026 йил II чорақда **2,1 млрд сўм** ўзлаштирилиши белгиланган.

Қарор билан мазкур ажратилган маблағлар доирасида 2026 йил давомида қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичлари, жумладан лазерли текислаш қурилмаси билан текисланадиган майдонларда етиштириладиган маҳсулот ҳажмини **44 минг тоннага** (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чорақда **11 минг тоннага**), лазерли текислаш қурилмаси билан текисланадиган майдонни **11 000 гектарга** (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чорақда **2 750 гектарга**), харид қилинадиган янги уруғ сеялкалари ҳамда кўчатлаб экиш ускуналари сонини **16 донага** (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чорақда **3,2 донага**), янги сеялкалар билан экиладиган шולי майдонини **500 гектарга** (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чорақда **225 гектарга**) ҳамда кўчатлаб экиш ускуналари билан экиладиган шולי майдонини **100 гектарга** (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чорақда **25 гектарга**) етказиш;

якуний натижа кўрсаткичи, иқтисод қилинадиган уруғ миқдорини **23 тоннага** етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чорақда **4,6 тоннага** етказиш).

Тақдим этилган маълумотларга кўра, ушбу қуйи дастур бўйича 2026 йил II чорақда Қорақалпоғистон Республикасида пахта, бошоқли дон ҳамда шоли етиштирувчи ва Хоразм вилоятида шоли етиштирувчи субъектларга лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегатлар билан ер текислаш харажатлари учун шунингдек, Хоразм вилоятида шоли экиш сеялқалари ва кўчатлаб экиш ускунаси учун субсидиялар ажратиш бўйича аризалар келиб тушмаганлиги сабабли субсидия маблағлари ажратилмаган, натижада мақсадли индикатор кўрсаткичлари ижроси таъминланмаган.

V. Картошка етиштирувчилар томонидан ер майдонларини суғоришда фойдаланиладиган насос агрегатларини муқобил энергия манбалари қурилмалари билан таъминлаш мақсадида қуёш панеллари ўрнатиш харажатларининг бир қисmini қоплаш учун субсидиялар қуйи дастури бўйича:

2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, Картошка етиштирувчилар томонидан ер майдонларини суғоришда фойдаланиладиган насос агрегатларини муқобил энергия манбалари қурилмалари билан таъминлаш мақсадида қуёш панеллари ўрнатиш харажатларининг бир қисmini қоплаш учун субсидиялар ажратиш қуйи дастури бўйича жами 10,0 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган бўлиб, вазирлик чора тадбирлар режаси бўйича ушбу маблағларнинг 2026 йил II чорақда 3,0 млрд сўм ўзлаштирилиши белгиланган.

Қарор билан мазкур ажратилган маблағлар доирасида 2026 йил давомида қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичлари, жумладан субсидия ажратиладиган хўжалик юритувчи субъектлар сонини **70 нафарга** (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чорақда **14 нафарга**) ҳамда ўрнатиладиган қайта тикланувчи муқобил энергия манбаларининг умумий қувватини **2,5 минг кВт га** (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чорақда **0,6 минг кВт га**) етказиш;

якуний натижа кўрсаткичи, картошка етиштирувчилар томонидан муқобил энергия манбалари қўлланиладиган майдонни **200 гектарга** етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чорақда **40 гектарга** етказиш).

Тақдим этилган маълумотларга кўра, ушбу қуйи дастур бўйича 2026 йил II чорақда Картошка етиштирувчилар томонидан ер майдонларини суғоришда

фойдаланиладиган насос агрегатларини муқобил энергия манбалари қурилмалари билан таъминлаш мақсадида қуёш панеллари ўрнатиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар ажратиш бўйича аризалар келиб тушмаганлиги сабабли субсидия маблағлари ажратилмаган, натижада мақсадли индикатор кўрсаткичлари ижроси таъминланмаган.

VI. Қишлоқ хўжалиги корхоналари (чорвачилик, фермер ва деҳқон хўжаликлари) суғориш учун фойдаланиладиган насос агрегатларини муқобил энергия манбалари билан таъминлаш мақсадида қуёш панеллари ўрнатиш учун тижорат банклари томонидан миллий валютада ажратилган ёки келгусида ажратиладиган тижорат кредитларининг бир қисмини субсидия сифатида қоплаб бериш харажатлари қуйи дастури бўйича:

2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, Қишлоқ хўжалиги корхоналари (чорвачилик, фермер ва деҳқон хўжаликлари) суғориш учун фойдаланиладиган насос агрегатларини муқобил энергия манбалари билан таъминлаш мақсадида қуёш панеллари ўрнатиш учун тижорат банклари томонидан миллий валютада ажратилган ёки келгусида ажратиладиган тижорат кредитларининг бир қисмини субсидия сифатида қоплаб бериш харажатлари қуйи дастури бўйича жами 60,0 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган бўлиб, вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича ушбу маблағларнинг 2026 йил II чорақда 5,5 млрд сўм ўзлаштирилиши белгиланган.

Қарор билан мазкур ажратилган маблағлар доирасида 2026 йил давомида қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичлари, жумладан субсидия ажратиладиган хўжалик юритувчи субъектлар сонини **360 нафарга** (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чорақда **90 нафарга**), қайта тикланувчи энергия орқали ишлайдиган насос агрегатлари сонини **360 донага** (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чорақда **36 донага**) ҳамда сув тежовчи технологиялар жорий қилинадиган майдонни **2 400 гектарга** (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чорақда **360 гектарга**) етказиш;

якуний натижа кўрсаткичлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг энергия харажатларининг қисқаришини **7,5 млрд сўмга** (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чорақда **1,9 млрд сўмга**) ҳамда ўрнатиладиган қуёш панеллари умумий қувватини **15,0 минг кВт га** (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чорақда **3,8 минг кВт га**) етказиш.

Тақдим этилган маълумотларга кўра, ушбу қуйи дастур бўйича 2026 йил II чоракда Қишлоқ хўжалиги корхоналари (чорвачилик, фермер ва деҳқон хўжаликлари) суғориш учун фойдаланиладиган насос агрегатларини муқобил энергия манбалари билан таъминлаш мақсадида қуёш панеллари ўрнатиш учун тижорат банклари томонидан миллий валютада ажратилган ёки келгусида ажратиладиган тижорат кредитларининг бир қисмини субсидия сифатида қоплаб бериш харажатлари бўйича аризалар келиб тушмаганлиги сабабли субсидия маблағлари ажратилмаган, натижада мақсадли индикатор кўрсаткичлари ижроси таъминланмаган.

VII. Сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш учун ажратиладиган тижорат кредити фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш қуйи дастури бўйича:

2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, Сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш учун ажратиладиган тижорат кредити фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш қуйи дастури бўйича жами 100,0 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган бўлиб, вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича ушбу маблағларнинг 2026 йил II чоракда 25,0 млрд сўми ўзлаштирилиши белгиланган.

Қарор билан мазкур ажратилган маблағлар доирасида 2026 йил давомида қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи, жумладан субсидия ажратиладиган хўжалик юритувчи субъектлар сонини 800 нафарга етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда 150 нафарга етказиш);

якуний натижа кўрсаткичлари, сувни тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ер майдонини 30 минг гектарга етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда 5 минг гектарга етказиш), иқтисод қилинадиган сув миқдорини 46,6 млн куб метрга етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда 6,6 млн куб метрга етказиш).

Тақдим этилган маълумотларга кўра, ушбу қуйи дастур бўйича 2026 йил II чоракда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш учун ажратиладиган тижорат кредити фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш харажатлари бўйича аризалар келиб тушмаганлиги сабабли субсидия маблағлари ажратилмаган, натижада мақсадли индикатор кўрсаткичлари ижроси таъминланмаган.

VIII. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларининг ҳосилни суғурталаш харажатлари 50 фоизини субсидиялаш қўйи дастури бўйича:

2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларининг ҳосилни суғурталаш харажатлари 50 фоизини субсидиялаш қўйи дастури бўйича жами 100,0 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган бўлиб, вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича ушбу маблағларнинг 2026 йил II чоракда 26,4 млрд сўм ўзлаштирилиши белгиланган.

Қарор билан мазкур ажратилган маблағлар доирасида 2026 йил давомида қўйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичлари, суғурта қилинадиган ер майдонини 370 минг гектарга етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда 98 минг гектарга етказиш);

суғурта қилинадиган маҳсулотлар турлари сонини 2 донага етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда 1 донага етказиш);

субсидия ажратиладиган хўжалик юритувчи субъектлар сонини 1 000 нафарга етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда 264 нафарга етказиш).

Тақдим этилган маълумотларга кўра, ушбу қўйи дастур бўйича 2026 йил II чоракда аниқланган режа **45,0 млрд сўмни** ташкил этган бўлиб, амалда ҳам **45,0 млрд сўм** маблағ тўлиқ ўзлаштирилган.

Ушбу қўйи дастур ижроси тақдим этилган маълумотлар ва ҳисоботлар асосида ўрганилганда қўйидагилар маълум бўлди:

Жумладан, ушбу қўйи дастур бўйича ҳақиқий ижро 2026 йил II чоракда аниқланган режага нисбатан **100 фоизни**, вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда белгиланган режага нисбатан **170,5 фоизни** (фарқи **18,6 млрд сўмга кўп**), 2026 йил учун аниқланган йиллик режанинг эса **45 фоизини** (фарқи **-55,0 млрд сўмни**) ташкил этади.

Бундан ташқари, **бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичлари** бўйича ҳақиқий ижро кўрсаткичлари қўйидагича бўлди:

Суғурта қилинадиган ер майдони бўйича ҳақиқий ижро 2026 йил II чоракда аниқланган режага нисбатан **100 фоизни** (325,2 минг га), вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича белгиланган режага нисбатан **331,9 фоизни**

(фарқи +227,2 минг га кўп), йиллик режанинг эса **87,9 фоизини** (фарқи **44,8 минг га ни**) ташкил этади;

Суғурта қилинадиган маҳсулотлар турлари сони бўйича ҳақиқий ижро 2026 йил II чорақда аниқланган режага нисбатан **100 фоизни** (2 дона), вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича белгиланган режага нисбатан **200 фоизни** (фарқи 1 донага кўп), йиллик режанинг эса **100 фоизини** ташкил этади;

Субсидия ажратиладиган хўжалик юритувчи субъектлар сони бўйича ҳақиқий ижро 2026 йил II чорақда аниқланган режага нисбатан **100 фоизни** (12 040 нафар), вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича белгиланган режага нисбатан **4560,6 фоизни** (фарқи **11 776 нафарга кўп**), йиллик режанинг эса **1 204 фоизини** (фарқи йиллик мақсадли кўрсаткичга нисбатан **11 040 нафарга кўп**) ташкил этади.

IX. Хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчкилар, шунингдек маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилинган бир кунлик жўжаларни сотиб олиш харажатларини бир қисmini қоплаб бериш учун субсидиялар ажратиш қўйи дастури бўйича:

2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчкилар, шунингдек маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилинган бир кунлик жўжаларни сотиб олиш харажатларини бир қисmini қоплаб бериш учун субсидиялар ажратиш қўйи дастури бўйича жами **70,0 млрд сўм** маблағ ажратилиши белгиланган бўлиб, вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича ушбу маблағларнинг 2026 йил II чорақда **18,0 млрд сўм** ўзлаштирилиши белгиланган.

Қарор билан мазкур ажратилган маблағлар доирасида 2026 йил давомида қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи, жумладан импорт қилинадиган қорамоллар сонини **12,0 минг бошга** етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чорақда **3,0 минг бошга** етказиш), импорт қилинадиган қўй ва эчкилар сонини **80,0 минг бошга** етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чорақда **10,0 минг бошга** етказиш) ҳамда субсидия олувчи хўжалик юритувчи субъектлар сонини **78 тага** етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чорақда **20 тага** етказиш);

якуний натижа кўрсаткичи, давлат томонидан қўллаб-қувватланган хўжаликлар томонидан етиштириладиган қўй ва эчки гўшти маҳсулотлари ҳажмини **320 тоннага** етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси

бўйича 2026 йил II чорақда **85 тоннага** етказиш) ҳамда етиштириладиган сут маҳсулотлари ҳажмини **18 000 минг тоннага** етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чорақда **5 500 минг тоннага** етказиш).

Такдим этилган маълумотларга кўра, ушбу қуйи дастур бўйича 2026 йил II чорақда аниқланган режа **1,3 млрд сўмни** ташкил этган бўлиб, амалда ҳам **1,3 млн сўм** маблағ ўзлаштирилган.

Ушбу қуйи дастур ижроси такдим этилган маълумотлар ва ҳисоботлар асосида ўрганилганда қуйидагилар маълум бўлди:

Жумладан, ушбу қуйи дастур бўйича ҳақиқий ижро 2026 йил II чорақда аниқланган режага нисбатан **100 фоизни**, вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чорақда белгиланган режага нисбатан **7,2 фоизни** (фарқи **16,7 млрд сўм**, яъни **92,8 фоизга кам**), 2026 йил учун аниқланган йиллик режанинг **1,9 фоизини** (фарқи **68,7 млрд сўмни**) ташкил этади.

Шунингдек, такдим этилган маълумотларга кўра, якуний натижа кўрсаткичлари (қўй ва эчки гўшти ҳамда сут маҳсулотлари етиштириш ҳажми) бўйича ижро таъминланмаган бўлиб, бунинг сабаби субсидия олиш учун талабгорлардан аризалар келиб тушмаганлиги билан изоҳланган.

Ваҳоланки, 2026 йил II чорағида 4 та хўжалик юритувчи субъектга импорт қилинган қорамоллар учун **1,3 млрд сўм** субсидия маблағлари ажратилган бўлиб, ушбу қорамоллар бўйича ҳам тегишли якуний натижа кўрсаткичлари шакллантирилиши лозим эди.

Бундан ташқари, бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичлари бўйича импорт қилинадиган қорамоллар сони бўйича ҳақиқий ижро 2026 йил II чорақда аниқланган режага нисбатан **100 фоизни**, вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чорақда белгиланган режага нисбатан **13,3 фоизни** (фарқи **2 600 бош**, яъни **86,7 фоизга кам**), 2026 йил учун аниқланган йиллик режанинг **3,3 фоизини** (фарқи **11 602 бошни**) ташкил этади.

Такдим этилган маълумотларга кўра, ушбу қуйи дастур бўйича 2026 йил II чорақда импорт қилинадиган қўй ва эчкилар сони бўйича эса талабгорлардан аризалар келиб тушмаганлиги сабабли субсидия маблағлари ажратилмаган, натижада мақсадли индикатор кўрсаткичлари ижроси таъминланмаган.

Х. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда биологик химоя усулини қўллаш харажатларининг бир қисmini коплаш қуйи дастури бўйича:

2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, мазкур дастур бўйича жами **10,0 млрд сўм** маблағ ажратилиши белгиланган.

Мазкур маблағлар доирасида қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи, жумладан республика миқёсида кишлоқ хўжалиги экинларида биологик химоя усули қўлланиладиган майдонни 25,6 минг гектарга етказиш;

якуний натижа кўрсаткичи, жумладан биологик химоя воситаларидан фойдаланиш натижасида етиштириладиган экологик тоза экспортбоп кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини 307,3 минг тоннага етказиш.

Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорат инспекция томонидан 2025 йил 24 февралда ўтказилган текшириш далолатномасига асосан 10,0 млрд сўм маблағларни режалаштирилиши бўйича ишлаб чиқилган Низомнинг (ВМҚ-520, 20.08.2025 й) талабларига асосан экспортбоп кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда биологик химоя усулини қўллашнинг умумий манзилли рўйхати тасдиқланмаганлиги сабабли вазирликнинг 2026 йил харажатлар сметасига режалаштирилган 10,0 млрд сўм маблағ мақбуллаштирилган. (Далолатнома илова қилинади.)

XI. Пахта хом ашёсини етиштирувчилар томонидан томчилатиб ва дискрет суғориш тизимини жорий этиш харажатларининг бир қисmini коплаш учун субсидиялар ажратиш қуйи дастури бўйича:

2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, пахта хом ашёсини етиштирувчилар томонидан томчилатиб ва дискрет суғориш тизимини жорий этиш харажатларининг бир қисmini коплаш учун харажатлар қуйи дастури бўйича жами **400,0 млрд сўм** маблағ ажратилиши белгиланган бўлиб, вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича ушбу маблағларнинг 2026 йил II чоракда **80,0 млрд сўми** ўзлаштирилиши белгиланган.

Қарор билан мазкур ажратилган маблағлар доирасида 2026 йил давомида қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи, жумладан томчилатиб суғориш тизими жорий этиладиган пахта майдонларини **104,4 минг гектарга** етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда **26,1 минг гектарга** етказиш) ҳамда пахта майдонларига томчилатиб суғориш тизимини жорий этиладиган хўжалик юритувчи субъектлар сонини **2 589 донага** етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда **1 035 донага** етказиш);

якуний натижа кўрсаткичи, томчилатиб ва дискрет суғориш тизими жорий этилиши ҳисобига иқтисод қилиниши кутилаётган сув миқдорини

314,2 млн метр кубга етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда **62,8 млн метр кубга** етказиш).

Такдим этилган маълумотларга кўра, ушбу куйи дастур бўйича 2026 йил II чоракда аниқланган режа **25,2 млрд сўмни** ташкил этган бўлиб, амалда **23,3 млрд сўм** маблағ ўзлаштирилган.

Ушбу куйи дастур ижроси такдим этилган маълумотлар ва ҳисоботлар асосида ўрганилганда куйидагилар маълум бўлди:

Жумладан, ушбу куйи дастур бўйича ҳақиқий ижро 2026 йил II чоракда аниқланган режага нисбатан **92,5 фоизни**, вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда белгиланган режага нисбатан **29,1 фоизни** (фарқи **56,7 млрд сўм**, яъни **70,9 фоизга кам**), 2026 йил учун аниқланган йиллик режанинг **5,8 фоизини** (фарқи **376,7 млрд сўмни**) ташкил этади.

Шунингдек, **якуний натижа кўрсаткичи** (иқтисод қилиниши кутилаётган сув миқдори) бўйича ижро 2026 йил II чоракда аниқланган режага нисбатан **100 фоизни** (3,9 млн метр куб), вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда белгиланган режага нисбатан **6,2 фоизни** (фарқи **58,9 млн метр куб**, яъни **93,8 фоизга кам**), 2026 йил учун аниқланган йиллик режанинг **1,2 фоизини** (фарқи **310,3 млн метр куб ни**) ташкил этади.

Бундан ташқари, бевосита (тўғридан-тўғри) **натижа кўрсаткичлари**, томчилатиб суғориш тизими жорий этиладиган пахта майдонлари бўйича ҳақиқий ижро 2026 йил II чоракда аниқланган режага нисбатан **100 фоизни** (1,73 минг гектар), вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда белгиланган режага нисбатан **6,6 фоизни** (фарқи **24,37 минг гектар**, яъни **93,4 фоизга кам**), 2026 йил учун аниқланган йиллик режанинг эса атиги **1,7 фоизини** (фарқи **102,67 минг гектарни**) ташкил этади.

Шу билан бирга, пахта майдонларига томчилатиб суғориш тизимини жорий этадиган хўжалик юритувчи субъектлар сони бўйича ҳақиқий ижро 2026 йил II чоракда аниқланган режага нисбатан **100 фоизни** (71 дона), вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда белгиланган режага нисбатан **6,9 фоизни** (фарқи **964 дона**, яъни **93,1 фоизга кам**), 2026 йил учун аниқланган йиллик режанинг **2,7 фоизини** (фарқи **2518 донани**) ташкил этади.

Маълумот учун: Пахта хом ашёсини етиштирувчилар томонидан томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун 2026 йил июнь ойида **1,8 млрд сўмлик** тўловлар ёзначиликка юборилган ҳамда ушбу тўлов жараёни июль ойида якунланган.

XII. Пахта майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш учун субсидиялар ажратиш қўйи дастури бўйича:

2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, пахта майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш учун субсидиялар ажратиш қўйи дастури бўйича жами **3,5 млрд сўм** маблағ ажратилиши белгиланган бўлиб, вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича ушбу маблағларнинг 2026 йил II чорақда **0,8 млрд сўм** ўзлаштирилиши белгиланган.

Қарор билан мазкур ажратилган маблағлар доирасида 2026 йил давомида қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичлари, жумладан ўрнатиладиган қайта тикланувчи энергия манбалари умумий қувватини **8,8 минг кВт/с га** етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чорақда **3,5 минг кВт/с га** етказиш) ҳамда экинларни суғоришда қуёш панеллари ўрнатиладиган фермер хўжаликлари сонини **20 донага** етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чорақда **6 донага** етказиш).

Тақдим этилган маълумотларга кўра, ушбу қўйи дастур бўйича 2026 йил II чорақда пахта майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш учун субсидиялар ажратиш бўйича аризалар келиб тушмаганлиги сабабли субсидия маблағлари ажратилмаган, натижада мақсадли индикатор кўрсаткичлари ижроси таъминланмаган.

XIII. Қишлоқ хўжалиги техникасини, лазерли текислаш, автопилот ускуналарини ҳамда дон уруғ сеялкаларини харид қилишда техника қийматини қисман қоплаб бериш, шунингдек қишлоқ хўжалик техникасини харид қилишга ажратилган лизинг ёки кредитлар бўйича фоизларни қоплаш учун субсидиялар ажратиш қўйи дастури бўйича:

2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, қишлоқ хўжалиги техникасини, лазерли текислаш, автопилот ускуналарини ҳамда дон уруғ сеялкаларини харид қилишда техника қийматини қисман қоплаб бериш, шунингдек қишлоқ хўжалик техникасини харид қилишга ажратилган лизинг ёки кредитлар бўйича фоизларни қоплаш учун субсидиялар ажратиш қўйи дастури бўйича жами **615,3 млрд сўм** маблағ ажратилиши белгиланган бўлиб,

вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича ушбу маблағларнинг 2026 йил II чоракда **184,6 млрд сўм** ўзлаштирилиши белгиланган.

Қарор билан мазкур ажратилган маблағлар доирасида 2026 йил давомида қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичлари, жумладан кредит ёки лизинг фоизлари қисман қоплаб бериладиган автопилот ускуналари сонини **4 148 тага** етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда **1 244 тага** етказиш), кредит ёки лизинг фоизлари қисман қоплаб бериладиган қишлоқ хўжалиги техникалари сонини **1 375 тага** етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда **412 тага** етказиш) ҳамда кредит ёки лизинг фоизлари қисман қоплаб бериладиган лазер ер текислагич агрегатлари сонини **1 000 тага** етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда **300 тага** етказиш).

Такдим этилган маълумотларга кўра, ушбу қуйи дастур бўйича 2026 йил II чоракда аниқланган режа **216,8 млрд сўмни** ташкил этган бўлиб, амалда **216,7 млрд сўм** маблағ ўзлаштирилган.

Ушбу қуйи дастур ижроси такдим этилган маълумотлар ва ҳисоботлар асосида ўрганилганда қуйидагилар маълум бўлди:

Жумладан, ушбу қуйи дастур бўйича ҳақиқий ижро 2026 йил II чоракда аниқланган режага нисбатан **100 фоизни**, вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда белгиланган режага нисбатан **117,4 фоизни** (фарқи **32,1 млрд сўм**, яъни **17,4 фоизга кўп**), 2026 йил учун аниқланган йиллик режанинг эса **35,2 фоизини** (фарқи **398,6 млрд сўмни**) ташкил этади.

Бундан ташқари, бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичлари, яъни кредит ёки лизинг фоизлари қисман қоплаб бериладиган автопилот ускуналари сони бўйича талабгорлардан аризалар келиб тушмаганлиги сабабли ижро таъминланмаган.

Кредит ёки лизинг фоизлари қисман қоплаб бериладиган қишлоқ хўжалиги техникалари сони бўйича ҳақиқий ижро 2026 йил II чоракда аниқланган режага нисбатан **100 фоизни** (3 873 та), вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича белгиланган режага нисбатан **940 фоизни** (фарқи **3 461 тага кўп**), 2026 йил учун аниқланган йиллик режага нисбатан эса **281,7 фоизни** (фарқи **2 498 тага кўп**) ташкил этади.

Кредит ёки лизинг фоизлари қисман қоплаб бериладиган лазер ер текислагич агрегатлари сони бўйича ҳақиқий ижро 2026 йил II чоракда аниқланган режага нисбатан **100 фоизни** (91 та), вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича белгиланган режага нисбатан **30,3 фоизни** (фарқи **209 тага**,

яъни 69,7 фоизга кам), 2026 йил учун аниқланган йиллик режанинг 9,1 фоизини (фарқи 909 тани) ташкил этади.

XIV. Қорақалпоғистон Республикасида сув таъминоти даражаси паст бўлган ҳудудларда чорва молларини суғориш учун шахтали ва тик қудуқлар ҳамда сув тортиш учун насос станцияларини янгидан қуриш харажатларининг бир қисmini қоплаш учун субсидиялар ажратиш қўйи дастури бўйича:

2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикасида сув таъминоти даражаси паст бўлган ҳудудларда чорва молларини суғориш учун шахтали ва тик қудуқлар ҳамда сув тортиш учун насос станцияларини янгидан қуриш харажатларининг бир қисmini қоплаш учун субсидиялар ажратиш қўйи дастури бўйича жами 2,0 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган бўлиб, вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича ушбу маблағларнинг 2026 йил II чоракда 0,7 млрд сўми ўзлаштирилиши белгиланган.

Қарор билан мазкур ажратилган маблағлар доирасида 2026 йил давомида қўйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичлари, жумладан қуриладиган шахтали ва тик қудуқлар сонини 100 донага етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда 28 донага етказиш) ҳамда қуриладиган насос станциялари сонини 100 донага етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда 27 донага етказиш).

Такдим этилган маълумотларга кўра, ушбу қўйи дастур бўйича 2026 йил II чоракда Қорақалпоғистон Республикасида сув таъминоти даражаси паст бўлган ҳудудларда чорва молларини суғориш учун шахтали ва тик қудуқлар ҳамда сув тортиш учун насос станцияларини янгидан қуриш харажатларининг бир қисmini қоплаш учун субсидиялар ажратиш бўйича аризалар келиб тушмаганлиги сабабли субсидия маблағлари ажратилмаган, натижада мақсадли индикатор кўрсаткичлари ижроси таъминланмаган.

XV. Аграр соҳада тўловлар агентлиги томонидан боғдорчилик ва узумчилик соҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратиладиган маблағлар қўйи дастури бўйича:

2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, Аграр соҳада тўловлар агентлиги томонидан боғдорчилик ва узумчилик соҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратиладиган маблағлар қўйи дастури бўйича жами 112,5 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган бўлиб,

вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича ушбу маблағларнинг 2026 йил II чоракда **10,0 млрд сўм** ўзлаштирилиши белгиланган.

Қарор билан мазкур ажратилган маблағлар доирасида 2026 йил давомида қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичлари, жумладан давлат томонидан қўллаб-қувватлаш натижасида хўраки навли узум ва интенсив боғларда етиштирилган маҳсулот ҳажмини **91 000 тоннага** етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда кўрсаткич мавжуд эмас) ҳамда боғ ва иссиқхоналарда сув чиқариш учун бургуланган қудук ва сувни тортиш учун насос станциясини қуришни **110 донга** етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда **10 донга** етказиш);

якуний натижа кўрсаткичи, хўраки навли узум ва интенсив боғларда етиштирилган маҳсулотларнинг сотиш ҳажми айланмасини (олдинги йилга нисбатан) **2 фоизга** ошириш шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда кўрсаткич мавжуд эмас).

Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 27 февралдаги 81-сон қарори 3-иловасининг 4-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида боғдорчилик ва узумчилик соҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан молия йили бошида Агентлик Жамғармасига жами **112,5 млрд сўм** маблағлар ўтказиб берилган бўлиб, Жамғарманинг ушбу маблағлари ҳисобидан боғдорчилик ва узумчилик соҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун субсидиялар тўлаб берилиши лозим эди.

Тақдим этилган маълумотларга кўра, ушбу қуйи дастур бўйича 2026 йил II чоракда Аграр соҳада тўловлар агентлиги томонидан боғдорчилик ва узумчилик соҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратиладиган маблағлар бўйича аризалар келиб тушмаганлиги сабабли субсидия маблағлари ажратилмаган, натижада мақсадли индикатор кўрсаткичлари ижроси таъминланмаган.

XVI. Ер майдонларини янгидан ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалигида қайта фойдаланишга киритиш бўйича ирригация-мелиорация тадбирларини амалга ошириш харажатлари қуйи дастури бўйича:

2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, ер майдонларини янгидан ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалигида қайта фойдаланишга киритиш бўйича ирригация-мелиорация тадбирларини амалга ошириш харажатлари қуйи дастури бўйича жами **50,0 млрд сўм** маблағ

ажратилиши белгиланган бўлиб, вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича ушбу маблағларнинг 2026 йил II чоракда **10,0 млрд сўм** ўзлаштирилиши белгиланган.

Қарор билан мазкур ажратилган маблағлар доирасида 2026 йил давомида қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичлари, жумладан қуриладиган янги каналлар узунлигини **192 км га** етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда **38,4 км га** етказиш) ҳамда қуриладиган коллектор-дренаж тармоқлари узунлигини **28 км га** етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда **5,6 км га** етказиш);

якуний натижа кўрсаткичи, фойдаланишга киритиладиган ер майдонини **48 минг гектарга** етказиш (шундан вазирлик чора-тадбирлар режаси бўйича 2026 йил II чоракда **9,6 минг гектарга** етказиш).

Тақдим этилган маълумотларга кўра, ушбу қуйи дастур бўйича 2026 йил II чоракда ер майдонларини янгидан ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалигида қайта фойдаланишга киритиш бўйича ирригация-мелиорация тадбирларини амалга ошириш харажатлари бўйича аризалар келиб тушмаганлиги сабабли субсидия маблағлари ажратилмаган, натижада мақсадли индикатор кўрсаткичлари ижроси таъминланмаган.

Шунингдек, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорат инспекция томонидан 2025 йил 24 февралда ўтказилган текшириш далолатномасига асосан 50,0 млрд сўм маблағларни 11,5 млрд сўмини режалаштирилиши Вазирлар Маҳкамасининг 24.02.2020 йилдаги 109-сонли қарориди кўрсатилган талабларга амал қилинмаган ҳолда тегишли тартибда субсидия ажратиш бўйича аниқ ҳисоб-китоб маълумотлари асосида тузилмаганлиги сабабли **11,5 млрд сўм маблағ харажатлар сметасидан мақбуллаштирилган.** (Далолатнома илова қилинади)

Бироқ, бугунги кунга қадар 11,5 млрд сўм маблағ харажатлар сметасидан мақбуллаштирилган бўлсада, бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичлари ва якуний натижа кўрсаткичи камайтирилган маблағга мутаносиб равишда ўзгартирилмаган.

XVII. Мўғулистондан насли қўй ва эчкилар импорт қилишда хаво транспорти орқали ташиш харажатларини бир қисmini қоплаб бериш учун субсидиялар ажратиш қуйи дастури бўйича:

2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, Мўғулистондан наслли қўй ва эчкилар импорт қилишда ҳаво транспорти орқали ташиш харажатларини бир қисмини қоплаб бериш учун субсидиялар ажратиш қўйи дастури бўйича жами **80,0 млрд сўм** маблағ ажратилиши белгиланган бўлиб, ушбу қўйи дастурнинг чораклик ижроси бўйича вазирлик чора-тадбирлар режасида 2026 йил II чоракда маблағ ўзлаштирилиши белгиланмаган.

Қарор билан мазкур ажратилган маблағлар доирасида 2026 йил давомида қўйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

беvosита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи, жумладан Мўғулистондан импорт қилинадиган қўй ва эчкилар сонини **76,4 минг донага** етказиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги ПҚ- 388- сон қарорига мувофиқ, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасига 80,0 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган. Бироқ ушбу маблағлар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Аграр соҳада тўловлар агентлигининг харажатлар сметасига ажратилган. Ваҳоланки, ижроси бўйича ваколатлар (Агентликка ўтказилмасдан) Қўмитада қолиб кетган бўлиб, маблағ сметаси ва ижро ваколоти бошқа-бошқа идораларда бўлиб қолганлиги сабабли ҳисобот даврида субсидия ажратилиши таъминланмаган.

Такдим этилган маълумотларга кўра, Аграр соҳада тўловлар агентлиги томонидан мазкур 80,0 млрд сўм маблағлар тўлиқлигича IV чорак харажатлар сметасига режалаштириб қўйилган.

Бюджет дастурлари доирасида ажратилган маблағлар ўзлаштирилмаганлигининг сабаби тўғрисида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 28 апрелдаги 206-сонли қарорига кўра, талабгорлар субсидия ажратилиши учун “Агроплатформа” АТ (Агропортал) орқали электрон шаклда ариза юбориши ва ушбу мурожаатлар масъул ишчи органлар томонидан кўриб чиқилиши белгиланган.

Мазкур қарор билан тасдиқланган субсидия ажратиш тўғрисидаги низомлар талаблари асосида, бугунги кунда Агентлик томонидан платформани ишлаб чиқиш, техник созлаш ва амалиётга жорий этиш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳисобот даврида субсидия маблағлари ўзлаштирилмай қолганлигининг асосий сабаби мазкур субсидия турлари бўйича тизим орқали ариза юбориш,

уларни кўриб чиқиш ҳамда бошқа давлат дастурлари ахборот тизимлари билан интеграция қилиш ишларининг ҳали тўлиқ яқунланмаганлигидир.

Мўғулистондан насли кўй ва эчкилар импорт қилишда ҳаво транспорти орқали ташиш харажатларини бир қисмини қоплаб бериш учун субсидиялар ажратиш қуйи дастури бўйича идоралараро номувофиқлик сабабли ҳисобот даврида маблағлар ўзлаштирилмай қолган.

Хулоса қилинганда, мазкур субсидия маблағларининг бюджет параметрларида белгиланган муддатларда ўзлаштирилмай қолиш эҳтимоли мавжуд. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги ПҚ-388-сон қарори билан белгиланган йил якуни бўйича мақсадли индикаторлар ва натижадорлик кўрсаткичларининг бажарилмай қолиш хавфини юзага келтиради.

6. Республикада ветеринария ва чорвачилик соҳасини ривожлантириш, эпизоотик барқарорликни таъминлаш ва чорва ҳайвонлари маҳсулдорлигини ошириш дастури бўйича.

Ушбу дастур учун 2026 йил II чораги учун 108,6 млрд сўм ажратилиши кўзда тутилган, шундан аниқланган режага кўра 108,6 млрд сўм режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида 94,3 млрд сўм ёки 86,8 фоизга ўзлаштирилган.

I. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш сиёсатини юритиш ва бошқариш қуйи дастури бўйича 2026 йил II чорагида 23,4 млрд сўм ажратилиши кўзда тутилган, шундан аниқланган режага кўра 23,4 млрд сўм режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида 21,6 млрд сўм ёки 92,3 фоизга ўзлаштирилган.

Маблағларнинг тўлиқ ўзлаштирилмаганлигига сабаб, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун режалаштирилган маблағлар тўлиқ сарфланмаганлиги билан изоҳланди. Жумладан, айрим штат бирликлари бўйича бўш ўринлар мавжудлиги, ходимларнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги, меҳнат таътиллари ҳамда ишга қабул жараёнларининг кечикиши натижасида иш ҳақи фонди тўлиқ ўзлаштирилмаган. Шунингдек, айрим ҳолатларда тўловларни амалга ошириш муддатларининг кейинги даврга кўчирилиши ҳам маблағлар ўзлаштирилишининг камайишига таъсир кўрсатган.

II. Чорва ҳайвонларини вакцинация қилиш учун харажатлар қуйи дастури бўйича 2026 йил II чорагида 85,2 млрд сўм ажратилиши кўзда тутилган, ҳисобот даврида 72,7 млрд сўм ёки 85,3 фоизга ўзлаштирилган.

Ушбу дастур учун жами 160,0 млрд сўм маблағлар ажратилган бўлиб, 109,3 млрд сўмга шартнома тузилган ва 72,7 млрд касса харажатлари амалга оширилган. Тузилган шартномага асосан товарлар қабул қилиб олинаётганлиги, бироқ битта шартнома бўйича июнь ойида етказиб бериш

режалаштирилган бўлиб, кечикканлиги сабабли маблағлар молиялашмай қолган. Кейинги июль ойига етказиб берилади.

“УзАСБО” дастуридан 01.04.2026 йилдан 01.07.2026 йилгача бўлган давр оралиғидаги ТМЗ бўйича айланма қайдномаси ўрганилганда, жорий йилнинг 10 мартда 2,4 млрд сўмлик вакцинация хариди учун шартнома имзоланган бўлиб, ушбу вакцинация воситаси етказиб бериш муддати 60 иш кун бўлган. Лекин ҳозирги кунга қадар ушбу вакцина етказиб берилмаган. 2026 йил 8 июль куни 04/11-158-сонли “Махсулотларни етказиб бериш мажбуриятини бажариш ва пеня тўлаш тўғрисида” қўмита ўринбосари томонидан “Бекзод Вет” МЧЖга талабнома юборилган.

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

вакцина қилинадиган чорва ҳайвонлари сонини жорий йилнинг II чорак режасида 22,4 минг бошга етказиш белгиланган, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 20,1 минг бошга ёки 89,9 фоизга бажарилган;

Мазкур кўрсаткичнинг тўлиқ бажарилмаслигига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан тизимда узоқ муддатли ўрганиш ишлари олиб борилганлиги, айрим ходимларнинг тергов жараёнларига жалб этилганлиги натижасида иш жараёнларида узилишлар юзага келгани ҳамда иш ташлаш ҳолатлари кўпайгани сабаб бўлган. Натижада эмлаш ишларининг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишига салбий таъсир кўрсатилган.

III. Мўғулистондан насли кўй ва эчкилар импорт қилишда ҳаво транспорти орқали ташиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш учун субсидиялар қўйи дастури бўйича 80,0 млрд сўм ажратилиши кўзда тутилган, ҳисобот даврида маблағ ажратилмаганлиги сабабли ижроси таъминланмаганлиги маълум бўлди.

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи:

Мўғулистондан импорт қилинадиган насли кўй ва эчкилар сони 76,4 минг дона олиб келиниши белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида талабгорлардан мурожаат бўлмаганлиги сабабли ижроси таъминланмаган.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026-йил 12-майдаги ПФ-84-сонли фармони билан Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси ташкил этилган.

7. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бюджет дастури бўйича:

I. Ўсимликлар карантини ва ҳимоясини таъминлаш ва бошқариш қўйи дастури бўйича давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ушбу қўйи дастур бўйича 2026 йил I ярим йиллик тасдиқланган режа 27,2 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, аниқланган режа 26,2 млрд сўмга белгиланган. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари 22,6 млрд сўмни ёки аниқланган режанинг 86,2 фоизини ташкил этган.

Жумладан, “Ўсимликлар карантини ва химоясини таъминлаш ва бошқариш” қўйи дастури доирасида:

а) Карантин агентлиги бўйича йиллик тасдиқланган режа 16,2 млрд сўм, аниқланган режа 7,0 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, касса харажатлари 7,0 млрд сўм миқдорида амалга оширилган;

б) Республика агрокимёвий таҳлил маркази бўйича йиллик тасдиқланган режа 30,72 млрд сўм, аниқланган режа 17,7 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, касса харажатлари 14,3 млрд сўмни ташкил этган;

в) “Биосифат” республика маркази бўйича йиллик тасдиқланган режа 1,3 млрд сўм, аниқланган режа 1,4 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, касса харажатлари 1,28 млрд сўм миқдорида ижро этилган.

Маблағларнинг тўлиқ ўзлаштирилмаганлиги устама (рағбатлантириш) тўловлари учун режалаштирилган маблағлар билан боғлиқ бўлиб, айрим ходимларга устама тўловлари ҳамда вакант лавозимлар сабабли мазкур тўловлар тўлиқ амалга оширилмаган.

II. Чигиртка ва зараркунандаларга қарши курашиш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш билан боғлиқ, шу жумладан, махсус транспортлар, техника воситалари ва кимёвий препаратлар харид қилиш харажатлари қўйи дастури бўйича Ўсимликлар карантини ва химояси агентлигига 2026 йил I ярим йилликда дастур ижросини таъминлаш учун 16 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг 2026-йил 26-февралдаги 48-Ф-сонли (ХДФУ) фармойишининг 4-бандига асосан Орол денгизининг қуриган тубида касаллик ва зараркунандалар тарқалиши оқибатида экологик вазият ёмонлашишининг олдини олиш, кўтарилаётган қум, туз ва чанг заррачаларининг салбий таъсирини камайтириш, саксовулзорлар ва чўл ўсимликларини сақлаб қолиш ҳамда уларнинг фитосанитар ҳолатини яхшилаш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўсимликлар карантини ва химояси агентлигига унинг асослантирилган ҳисоб-китобларига асосан касаллик ҳамда зараркунандаларга қарши курашишда қўлланадиган кимёвий препаратларни харид қилиш учун 2 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган, шундан 1,9 млрд сўм маблағ сарфланган ёки аниқланган режага нисбатан 12,1 фоизни ташкил этган.

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

Зарарли чигирткаларга қарши кимёвий кураш ишлари олиб бориладиган ер майдонларини 588,5 минг гектарга етказиш белгиланган.

Шу билан бирга, 2026 йилда республикада зарарли чигирткалар ва бошқа зарарли организмларнинг йилнинг II ва III чоракларида биологик фаоллашуви ҳамда иқтисодий зарар етказиш мезонларидан ошиб, мавжуд ресурслар

етишмовчилиги келиб чиққанда, кишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини сақлаб қолишни таъминлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун кўзда тутилган, яъни ушбу дастурда ажратилган маблағлар нафақат чигирткага қарши, балки республикадаги кишлоқ хўжалиги экинларида хавфли касалликлар аниқланиб, тегишли тартибда фавқулодда вазият эълон қилинганда, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига асосан Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида фармойиши билан ажратилиши белгиланган.

III. Тут парвонасига қарши курашиш тадбирлари учун харажатлар қуйи дастури бўйича 2026 йилги харажатлар сметасида Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига дастур ижросини таъминлаш учун 30 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

Шундан 9 та вилоят Чигиртка ва тут парвонасига қарши кураш хизматларига 22 млрд сўм ажратилган.

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

Тут парвонасига қарши кимёвий кураш ишлари олиб бориладиган тут дарахтлар сонини 39,9 млн донага етказиш белгиланган.

Якуний натижа кўрсаткичи бўйича:

Тут парвонасига қарши кураш ишларини тизимли ташкил этиш натижасида сақлаб қолинадиган тут дарахтлар сони 106 млн дона этиб белгиланган. Тут парвонасига қарши кураш тадбирлари 2026 йилнинг III-IV чорақлар давомида амалга ошириш белгиланган.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026-йил 12-майдаги ПФ-84-сонли фармони билан Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси ташкил этилган.

8. Агросаноатни ривожлантириш агентлигига Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш бюджет дастури бўйича.

Ушбу дастур учун 2026 йилда 69,4 млрд сўм ажратилиши кўзда тутилган, шундан 2026 йил I ярим йилликда аниқланган режага кўра 52,7 млрд сўм режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида 49,8 млрд сўм ёки 94,4 фоизга ўзлаштирилган.

I. Агросаноатни ривожлантириш қуйи дастури бўйича 2026 йил I ярим йилликда 31,7 млрд сўм ажратилиши кўзда тутилган, шундан аниқланган режага кўра 15,2 млрд сўм режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида 15,2 млрд сўм ёки 100 фоизга ўзлаштирилган.

II. Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасига трансферлар қуйи дастури бўйича 2026 йил I ярим йилликда 22 млрд сўм ажратилиши кўзда тутилган, шундан аниқланган режага кўра

22 млрд сўм режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида маблағлар 19,8 млрд сўм ёки 90,0 фоизга ўзлаштирилган.

Маблағларнинг тўлиқ ўзлаштирилмаганлиги устама (рағбатлантириш) тўловлари учун режалаштирилган маблағлар билан боғлиқ бўлиб, айрим ходимларнинг иш фаолиятидаги белгиланган KPI кўрсаткичлари тўлиқ бажарилмаганлиги сабабли мазкур тўловлар тўлиқ амалга оширилмаган.

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

Интесив мевали боғ-токзорлар барпо этиш йиллик режада 21,8 минг гектарни, шундан II-чоракда 14,5 минг гектарни етказиш белгиланиб, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 14,8 минг гектарга бажарилган ёки ушбу кўрсаткич 102 фоизга бажарилган.

Иқтисодий жиҳатдан самарасиз ва кам ҳосилли боғ-токзорларни реконструкция қилинишига кўмаклашиш йиллик режада 20,7 минг гектар, шундан II-чоракда 20,7 минг гектарга етказиш белгиланиб, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 22,1 минг гектарга ёки 106,8 фоизга бажарилган.

Барча тоифадаги хўжаликларда мева етиштириш ҳажмларини ошириш йиллик режада 3,5 млн тоннага етказиш белгиланган, шундан II-чоракда 1,0 минг гектарга етказиш белгиланиб, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 1,0 минг гектарга ёки 100 фоизга бажарилган.

Белгиланган бюджет дастурлари ижросида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда уларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашга қаратилган таклифлар:

1. Масъул ижрочиларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш. Бунда субсидия маблағларини режалаштириш ва тақсимлаш жараёнларида иштирок этувчи масъул ходимлар учун аниқ вазифа ва жавобгарлик чегаралари белгиланиши, нотўғри ёки асосланмаган ҳисоб-китоблар тақдим этилган ҳолатларда уларга нисбатан тегишли чоралар қўлланилиши лозим.

2. Бевосита ва якуний натижа кўрсаткичларининг шакллантирилишида уларнинг ҳақиқатга мувофиқлиги, асосланганлиги ҳамда амалда эришиш имконияти мавжудлигини ўрганиш, шунингдек мазкур кўрсаткичларнинг белгиланган стратегик ва соҳа мақсадларига мувофиқлигини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда индикаторларнинг орқали эришиладиган натижаларнинг иқтисодий ва амалий самарадорлигига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

3. Дастурлар доирасида субсидия маблағларини режалаштиришда ягона методик ёндашув жорий этиш, бунда субсидия ҳажмини аниқлашда ҳисоб-китоблар ягона тартиб ва белгиланган кўрсаткичлар асосида амалга ошириш.

4. Масъул ижрочилар томонидан мақсадли индикаторлар ҳисоботларини ва асословчи ҳужжатларни Молия-иқтисод, бюджет дастурларини шакллантириш, мониторинг қилиш ва уларнинг ижросини мувофиқлаштириш

бўлимига ўз муддатида ва сифатли, ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилгани ҳолда тақдим этиш.

5. Юқоридаги бюджет дастурлари учун ажратилган маблағлар ўзлаштирилмасдан қолаётганлиги ҳамда келгусида бюджет дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида Аграр соҳада тўловлар агентлиги томонидан ажратиладиган субсидиялар тўғрисида маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш;

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 28 апрелдаги 206-сон қарорига кўра талабгорлар томонидан субсидия олиши учун "Агроплатформа" АТ орқали электрон ариза юбориши ва ушбу аризаларни ишчи органлари кўриб чиқиши, ҳамда бошқа давлат дастурлари ахборот тизимлари билан интеграция қилиш ишларини тўлиқ якунлаш;

7. Мўғулистондан насли кўй ва эчкилар импорт қилишда ҳаво транспорти орқали ташиш харажатлари бир қисmini қоплаб бериш учун кўзда тутилган субсидия маблағларини ажратиш бўйича тартиб ишлаб чиқиш;

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 12 майдаги ПФ-84-сон фармони билан Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси негизида Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси ташкил этилганлиги сабабли бюджет дастурларига тегишли ўзгартиришлар киритиш.

Маълумот учун: Баҳолаш Молия-иқтисод, бюджет дастурларини шакллантириш, мониторинг қилиш ва уларнинг ижросини мувофиқлаштириш бўлими томонидан тақдим этилган 2026 йил 15 июлдаги 19/06-13-сон билдирги асосида амалга оширилди.

Ички аудит бошқармаси ходимлари:

 Б. Миркасимов
 Х. Мардиев
 А. Абдунабиев
 З. Араббоев
 С. Илхомов
 А. Мурадов
 А. Рамжонов
 М. Эшноров